

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 04/30.12.2019.Tib. 29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МАХКАМОВА ГУЛНОЗА ТУРАХОДЖАЕВНА

БОЛАЛАРДА РЕСПИРАТОР КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ
ЭТИОЛОГИЯСИДА STREPTOCOCCUS PNEUMONIAEНИНГ РОЛИ,
ВАКЦИНА-ПРОФИЛАКТИКАНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

14.00.09 – Педиатрия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Махкамова Гулноза Тураходжаевна

Болаларда респиратор касалликларининг этиологиясида Streptococcus pneumoniaeнинг роли, вакцина-профилактиканинг самарадорлиги3

Махкамова Гулноза Тураходжаевна

Роль Streptococcus pneumoniae в этиологии респираторных заболеваний у детей, эффективность вакцинопрофилактики23

Makhkamova Gulnoza Turaxodjaevna

The role of Streptococcus pneumoniae in the etiology of respiratory diseases in children, the effectiveness of vaccination42

Эълон қилинганишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....45

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 04/30.12.2019.Tib. 29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МАХКАМОВА ГУЛНОЗА ТУРАХОДЖАЕВНА

БОЛАЛАРДА РЕСПИРАТОР КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ
ЭТИОЛОГИЯСИДА STREPTOCOCCUS PNEUMONIAE РОЛИ,
ВАКЦИНА-ПРОФИЛАКТИКАНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

14.00.09 – Педиатрия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/Tib243рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент Педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tashpmi.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шамансурова Элмира Аманулаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Алиев Ахмаджон Лутфуллаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Бобомуратов Турдикул Акрамович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчиташкилот:

Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази

Диссертация ҳимояси Тошкент Педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «20» ноябр соат 13:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+998) 71-262-33-14; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент Педиатрия тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+998) 71-262-33-14.

Диссертация автореферати 2020 йил «17» ноябр кунини тарқатилди.
(2020 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).



А.В.Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

К.Н.Хайтов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмийкотиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.И.Ахмедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Пневмококкли касалликларни ташхислаш ва даволаш муаммоси замонавий соғлиқни сақлаш тизимидаги энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Эмлаш – пневмококкли инфекцияларнинг олдини олишнинг энг самарали ва иқтисодий жиҳатдан фойдали усули ҳисобланади. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти маълумотларига кўра «...вакцинация – пневмококкли инфекциялар билан касалланишга сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ягона усулдир»¹. Бундай вазиятда болаларда ушбу касалликнинг олдини олишга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш зарурати шубҳасиз бўлиб қолади. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти нуктаи назарига кўра «...кўплаб мамлакатларда пневмококкли конъюгирланган вакциналарни қўллаш ушбу микроорганизмлар, жумладан, зотилжам келтириб чиқарадиган жиддий касалликлар сонини кескин камайтиради»². Пневмококкнинг серотиплари турли-туманлигини ҳисобга олган ҳолда *Streptococcus pneumoniae*нинг патоген штамmlарини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун эмлаш самарадорлигини баҳолашда *Streptococcus pneumoniae*га қарши эмлашнинг болалардаги респиратор касалликлар частотаси, шунингдек, кичик ёшдаги болаларда пневмококкларнинг серотип спектрини ўрганиш долзарб аҳамият касб этади.

Жаҳон амалиётида пневмококкларнинг замонавий серотипларини ўрганишга йўналтирилган тадқиқотларга асосий эътибор қаратилмоқда. Бир неча йил давомида пневмококкли вакциналар билан оммавий эмлаш орқали пневмококк вакцинаси штамmlари билан боғлиқ бўлган инвазив пневмококк инфекциялари билан касалланиш кескин камайтирилди. Бироқ *Streptococcus pneumoniae*нинг тарқалиб турувчи серотиплари турли мамлакатларда ўзгариб туриши мумкин, шунинг учун янги вакциналарни яратиш ҳамда уларнинг эпидемиологик самарадорлигини ўрганишда пневмококкнинг энг долзарб серотиплари ҳақида минтақавий маълумотлар талаб этилади. Шу муносабат билан вакцина жорий этилганидан кейин серотиплар манзарасини ўрганиш, шунингдек, эмлашнинг касалликка таъсирини баҳолаш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизда айни дамда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, хусусан, болаларда касалликларни эрта ташхислаш, даволаш, олдини олиш ҳамда асоратлар частотасини камайтиришга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларда «...истикболли соҳаларни аниқлаш, юқумли касалликлар, эпидемиология, вирусология, микробиологиянинг муҳим масалалари бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотларни мувофиқлаштириш, юқумли касалликлар муассасаларининг

¹Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилотининг вакциналар бўйича позициялари.

²Гўдақлар ва 5 ёшгача бўлган болалар учун пневмококкга қарши конъюгирланган вакциналар. ЖССТ позициялари тўғрисидаги хужжат. 2019 йил феврал // https://www.who.int/immunizationPP_pneumococcal_2019_RU.

фаолиятига инновацион технологияларни жорий этиш»³ га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги даражага кўтариш, жумладан, болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, касалликларни эрта ташхислашнинг инновацион усуллари ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ва 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ва 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ-4513-сонли «Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий хизматларни яхшилаш ва кенгайтириш тўғрисида» ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. *Streptococcus pneumoniae* (*S.pneumoniae*, пневмококк) – болаларда респиратор бактериал инфекциялар, менингит ва бактериемияларни чакирувчи энг кўп тарқалган кўзғатувчи бўлиб ҳисобланади (Пиркова С.А. ва ҳаммуал., 2019; Albrich W.C. et al., 2019; Liese JG, Schoen C. et al., 2019). Хорижий муаллифлар томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра касаллик, асосан, кичик ёшдаги болаларда кузатилади. Пневмококк инфекциялари, кўпинча, ҳеч қандай симптомларсиз одамлар, айниқса, болаларнинг бурун-ҳалқумини эгаллайди. Бактериялар яқин кўшни аъзоларга тарқалиб, ўрта отит ва синуситни келтириб чиқаради, аспирация натижасида зотилжам ёки стерил муҳитга ҳам ўтиши билан сепсис ёки менингитга олиб келиши мумкин (Чучалин А.Г. ва ҳаммуал., 2016; Anderson A.J., 2017; Brealey JC, Chappell KJ, Galbraith S, et al., 2018). Пневмококкли зотилжам, менингит ва бактериемия оғир касаллик сифатида, кўпинча, соғлиқни сақлаш тизимида жиддий муаммоларни келтириб чиқарувчи ҳаёт учун хавфли касаллик сифатида баҳоланади (Магаршак О.О., 2018; Зарипова А.З., Валиева Р.И. ва ҳаммуал., 2018; Thorrington D. et al., 2018). Турли мамлакатларда амалга оширилган тадқиқотлардан олинган натижалар шуни кўрсатадики, эмлаш, айниқса, болаларда инфекцияларни бартараф этувчи самарали усул ҳисобланади. Бироқ эмлашдан

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7-декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони.

инфекцияларни бартараф этувчи самарали профилактик усул сифатида фойдаланиш учун зотилжам этиологиясини яхши билиш талаб этилади.

Ўзбекистонда болаларда пневмококкли инфекцияларни ташхислаш ва даволаш бўйича санокли илмий изланишлар амалга оширилган (Даминов Т.А., Туйчиев Л.Н., Таджиева Н.У., 2015). Олиб борилган изланишлар натижасида муаллифлар томонидан *Streptococcus pneumoniae*га қарши вакцина киритилгунга қадар кенг тарқалган пневмококк серотиплари спектри аниқланган. Бироқ эмлашлар миллий таквимига эмлаш киритилганидан кейин унинг самарадорлигини баҳолаш учун пневмококкнинг серотипли спектрини аниқлашга йўналтирилган изланишлар олиб борилмаган. Шундай бўлса-да, пневмококкли инфекциялар серотипли манзараси ва касалланиш тўғрисидаги маълумотларга эмлашларнинг миллий таквими самарадорлигини башоратлаш мезони сифатида қаралган (Азимова Г.А., 2014; Даминов Т.А., Таджиева Н.У., Туйчиев Л.Н., 2017).

Адабиётлар таҳлиliga кўра айни пайтда пневмококкли инфекцияларга қарши вакцинапрофилактика самарадорлигини ўрганиш ўта долзарб муаммолар сирасига киради. Пневмококк ташувчанлик алоқада бўлган соғлом болалар орасида пневмококк касалликларининг тарқалишига олиб келиши ва касалликнинг кенг қулоч ёйиши туфайли *Streptococcus pneumoniae* ташувчанлигини ўрганиш жуда муҳим аҳамият касб этади. *Streptococcus pneumoniae* серотиплар спектри ханузгача тўлиқ ўрганилмасдан қолаётганлиги яна бир фактни – пневмококк штамmlарининг пенициллин, макролидлар ва бошқа антибактериал препаратларга чидамлилиги ортишини энг долзарб масалалар сирасига қўшади. Таъкидлаш жоизки, пневмококкли инфекция – вакцинапрофилактика ёрдамида назорат остига олиниши талаб этиладиган муҳим ва хавфли касаллик. Шу сабабли пневмококкли касалликларни ташхислаш ва даволашнинг замонавий аспектларини ўрганиш, шунингдек, *Streptococcus pneumoniae*га қарши эмлашнинг кичик ёшдаги болаларда серотиплар спектри ҳамда касалликка таъсирини баҳолаш тиббиёт соҳасидаги ўта долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади ва муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот мавзуси Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг «Болаларда туғма ва орттирилган касалликларнинг олдини олиш, ташхислаш ва даволаш усуллари тақомиллаштириш» (давлат қайд рақами 01980006703) илмий-тадқиқот ишлари тематик режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади *Streptococcus pneumoniae*га қарши эмлашнинг болаларда респиратор касалликлар частотаси, шунингдек, кичик ёшли болаларда пневмококкнинг ташувчанлигини ва серотипли спектрини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

пневмококка қарши эмлашнинг болаларда *Streptococcus pneumoniae* ташувчанлиги тарқалишига таъсирини баҳолаш;

Streptococcus pneumoniaeга қарши эмлаш профилактик эмлашлар миллий тақвимига киритилгандан кейин эмлашнинг болаларда респиратор касалликлар частотасига таъсирини баҳолаш;

профилактик эмлашлар тақвимига Streptococcus pneumoniae га қарши эмлаш жорий этилганидан кейин Streptococcus pneumoniaeнинг серотиплари спектрини аниқлаш;

ўткир респиратор касалликларда амбулатория шароитида қўлланилувчи антибактериал препаратларни таҳлил қилиш;

Streptococcus pneumoniaeнинг болаларда қўлланилувчи антибиотикларга сезувчанлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ТошПТИ клиникаси, Тошкент шаҳридаги 1-сон болалар шифохонаси ўткир респиратор инфекциялар билан касалланган кичик ва катта ёшдаги 495 нафар ҳамда уюшган ва уюшмаган 1,5 ёшдан 6 ёшгача бўлган 153 нафар соғлом болалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб соғлом ва бемор болаларнинг қони, ўрта кулоқдан олинган оқма, сийдик ҳамда назофарингеал шилик ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, бактериологик, серологик, молекуляр-генетик, статистик каби тадқиқот ва таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

1 ёшдан катта бўлган болаларда Streptococcus pneumoniae респиратор касалликларининг етакчи кўзғатувчиси эканлиги аниқланган;

пневмококкли инфекцияга қарши эмлаш пневмококкнинг патоген штамmlарини ташувчанлигини пасайиши, шунингдек, 5 ёшгача бўлган болаларда умумий респиратор инфекциялар билан касалланишнинг камайишига олиб келиши исботланган;

пневмококкли инфекцияга қарши эмлаш орқали Streptococcus pneumoniaeнинг энг кўп тарқалган 1, 3, 5, 14, 19 патоген штамmlари йўқотилганлиги аниқланган;

асоратланмаган респиратор касалликлар билан оғриган болаларда биринчи қатор препаратлар сифатида цефароспоринли антибиотиклардан норационал фойдаланилганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

пневмококк вакцинаси билан эмлаш натижасида болаларда респиратор касалликларининг камайиши аниқланган;

антибактериал препаратларнинг норационал тайинланиши натижасида сезувчанликнинг макролидларга резистентликнинг ошишига олиб келиши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жихатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, олинган натижаларга статистик текширув усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан

таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Streptococcus pneumoniaeнинг серотиплар спектри тўғрисида маълумотларга эга бўлиш айти пайтда пневмококкли инфекцияларга қарши ялпи эмлаш самарадорлигини баҳолаш ҳамда вакцинапрофилактикани амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлигини асослаш имконини берган. Эмлаш орқали Streptococcus pneumoniaeнинг бурун-ҳалқум ташувчанлигини камайтириш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти макролид антибиотикларга пневмококк штамлари резистентлик даражасининг ошиши пневмококкли инфекцияларни даволашда макролидларни мунтазам қўллашнинг мақсадга мувофиқ эмаслигининг исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Streptococcus pneumoniaeга қарши эмлашнинг болаларда респиратор касалликлар частотаси, шунингдек, кичик ёшли болаларда пневмококкнинг серотиплар спектрига таъсирини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Болаларда пневмококкли зотилжамни даволашни оптималлаштириш усуллари» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 10 декабрдаги 8н-р/346-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома бактерияларнинг антибиотикларга сезувчанлигини аниқлаш асосида болаларда зотилжамни ташхислаш ва даволаш усулларини оптималлаштириш имконини берган;

«Болаларда отитларни даволашни оптималлаштириш усуллари» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 10 декабрдаги 8н-р/347-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома бактерияларнинг антибиотикларга сезувчанлигини аниқлаш орқали болаларда ўткир ўрта отитни эрта ташхислаш ва даволаш учун зарурий чора-тадбирларни амалга ошириш имконини берган.

Streptococcus pneumoniaeга қарши эмлашнинг болаларда респиратор касалликлар частотаси, шунингдек, кичик ёшли болаларда пневмококкнинг серотипли спектрига таъсирини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимида, жумладан, Тошкент ва Жиззах вилоятларидаги кўп тармоқли болалар тиббиёт марказлари ҳамда Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амлий тиббиёт маркази амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 6 мартдаги 8н-д/52-сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар ташхислаш, даволашда сарф-харажатларни қисқартириш, асоратлар сонини камайтириш ҳамда беморларнинг стационар даволаниш муддатини икки койка/кунга қисқартириш орқали тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 107 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари таърифланган, диссертация ишининг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатиб берилган, ишнинг илмий янгилиги ва натижаларнинг амалий аҳамияти келтирилиб, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинган ишлар ҳамда диссертация тузилиши тўғрисидаги маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг **“Болаларда пневмококкли инфекциялар: эски муаммолар ва янги имкониятлар (адабиётлар шарҳи)”** деб номланган биринчи бобида пневмококк инфекцияси билан касалланиш ва иммунопрофилактика имкониятлари, *Streptococcus pneumoniae*нинг биологик хусусиятлари, лаборатор ташхислаш усуллари ҳамда пневмококкли инфекциялар, серотиплари хилма-хиллиги ва уларнинг антибиотиксезувчанлиги ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Беморлар ва тадқиқот усуллари”** деб номланган иккинчи бобида клиник материал, тадқиқот усуллари ва даволаш усуллари батафсил баён этилган.

Амбулатор шароитда болалардаги ўткир респиратор касалликларни даволаш тактикасини ўрганиш мақсадида Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги оилавий поликлиникалар базасида 1 ёшдан 9 ёшгача бўлган болаларнинг 308 та амбулатор картаси (Ф–112) ретроспектив таҳлили олиб борилди. Таҳлилда ЎРИнинг нозологик (бронхитлар, тонзиллитлар, зотилжам, риносинуситлар ва лорингитлар) структураси ва антибактериал терапияни қабул қилиш частотаси баҳоланди. Шунингдек, ЎРИда антибиотиклар қабул қилишнинг умумий фармако-эпидемиологик таҳлили ўтказилди ва шу асосда болаларда ЎРИда тизимли антибактериал препаратлар қабул қилиш частотаси алоҳида ўрганилди.

Эмлашга қадар соғлом болаларни *S.pneumoniae*нинг назофарингеал ташувчанлигига текшириш мақсадида Тошкент шаҳридаги мактабгача таълим муассасасига қатновчи-уюшган ҳамда уюшмаган 76 нафар 1,5 ёшдан 6 ёшгача бўлган соғлом болалар текширилди. *S.pneumoniae*ни бактериологик

ажратиш ва антибиотикларга сезувчанликни аниқлаш учун бактериологик усул – *S. pneumoniae*нинг этиологик ролини тасдиқлашда «олтин стандарт» сифатида тан олинган бурун-ҳалқумдан олинган суртмадан фойдаланилди. 76 нафар соғлом болаларда олинган бурун-ҳалқум шиллиғи текширилуви бактериологик ҳамда Грамм бўйиш усулида олиб борилди. Амоксициллин, цефазолин, азитромицин, цефепим, цефтриаксон, цефуросим, метронидазолга сезувчанлик қайд этилди.

Бундан ташқари респиратор касалликлар билан оғриган 2 ойликдан 9 ёшгача бўлган, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси ҳамда 1-сон шаҳар болалар клиник шифохонаси клиникасида даволанган 96 нафар (улардан 51 нафари (53,1%) қизлар ва 45 нафари (46,9%) ўғил болалар) болалар клиник-лаборатор кўрикдан ўтказилди. Ўткир ўртача отит (ЎЎО) кўзғатувчисининг этиологик спектрини аниқлаш мақсадида 91 нафар (улардан 48 нафари (52,7%) ўғил ва 43 нафари (47,3%) қиз) болалар текширувдан ўтказилганда 30 нафар (33,0%) болада икки томонлама ҳамда 61 нафар (67,0%)ида бир томонлама жараён кузатилди. Бунда болаларнинг ёш градацияси 1 ёшдан 15 ёшгача ($6,9 \pm 0,3$ ёш)ни ташкил этди. Касалликнинг этиологик омилени аниқлаш мақсадида бурун-ҳалқум суртмаси ва ўрта кулокнинг йирингли суяклиги бактериологик текшириш усулида текширилди ҳамда антибактериал препаратларга сезувчанлик аниқланди.

Зотилжам билан касалланган болалар сийдиғида пневмококк антигенини аниқлаш мақсадида 1 ёшдан 5 ёшгача бўлган, зотилжам туфайли госпитализация қилинган 52 нафар болада иммунхроматографик тез тест («Binox NOW Streptococcus pneumoniae Test», АҚШ) ўтказилди. Бунда болаларнинг ўртача ёши 2,6 ёшни ташкил этди ва уларнинг 66,7 фоизи ўғил болалар бўлди. Бу тест бошқа културал текшириш усуллари билан бирга *Streptococcus pneumoniae*нинг этиологик омилени тасдиқлаш мақсадида амалга оширилди. Тест бўйича сийдикда *Streptococcus pneumoniae* антигенини аниқлаш учун ўртача 1 кун керак бўлди, бу пайтда *Streptococcus pneumoniae* ни културал усулда аниқлаш учун 3–4 кун керак бўлар эди.

Эмлаш татбиқ этилгандан кейин соғлом болаларни *S.pneumoniae*нинг назофарингеал ташувчанлигига текшириш мақсадида ўз таркибида конъюгирланган токсик бўлмаган дифтерия оксиди – CRM 197 (CRM – чорраҳали реактивлик билан материал) ташувчи 1, 3, 4, 5, 6А, 6В, 7F, 9V, 14, 18С, 19А, 19F, 23F пневмококк серотипларининг полисахарид капсулани антигенлари ва адъювант сифатида алюминий фосфат сақлаган, таркибида латекс бўлмаган бир дозали флаконлар ва бир дозали шприц-тюбик кўринишида бўлган ПКВ – 13 вакцинаси билан 3 дозада эмланган соғлом 77 нафар уюшмаган, яъни болалар мактабгача таълим муассасаларига бормайдиган болаларнинг бурун-ҳалқум шиллиғида *S.pneumoniae* мавжудлиги бактериологик текширилди. Текширувлар эмлашдан 2 йил ўтгандан кейин олиб борилди (1-жадвал).

Болаларни Превенар вакцинаси билан эмлаш схемаси


Эмлаш бошлангандаги ёши	Доза	Дозалар миқдори	Схемаси
2 ойликдан 6 ойликкача	0,5 мл	2+1 ревакцинация	2 + 1: иккита доза киритишлар ораси 4 ҳафтадан кам бўлмаган интервал билан. Биринчи доза чакалоққа 2 ойлигида, иккинчиси – 3 ойлигидан бошлаб киритилди. Ревакцинация 12 ойликда бир марта ўтказилди.

*S.pneumoniae*ни идентификациялаш мақсадида материалларнинг истиқболли ПЗР (полимераз занжирли реакция) (ПЦР) тадқиқи Ўзбекистон Республикаси ССВ Вирусология илмий-текшириш институти ПЦР лабораториясида ўтказилди.

Диссертациянинг “**Антибактериал препаратларни рационал қўллашни баҳолаш ва вакцинопрофилактикадан олдин соғлом ҳамда респиратор инфекцияли болалар орасида *S.pneumoniae*нинг бурун-хақум ташувчанлиги**” деб номланган учинчи бобида шахсий кузатув натижалари таҳлил қилинган.

Амбулатор шароитда ўткир респиратор инфекциялар билан оғриган болаларда антибактериал препаратларни қўллашнинг рационаллигини баҳолаш бўйича олиб борилган текширувлар натижаси шуни кўрсатдики, ЎРИ таркибида кузатилган 308 нафар (143 нафари (46,4%) ўғил ва 165 нафари (53,6%) қиз) болалар ичида биринчи ўринни – ЎРИ таркибида кўплаб ва аниқланмаган локализациялар билан юқори нафас йўллари ўткир респиратор инфекциялари (75 та ҳолат; 24,4%), иккинчи ўринни – ўткир бронхит (60 нафар бола; 19,5%), учинчи ўринни – ўткир тонзиллитлар (52 нафар бола; 16,9%), тўртинчи ўринни – ўткир фарингитлар, ринофарингит (47 нафар бола; 15,3%), бешинчи ўринни – ўткир трахеитлар (24 нафар бола; 7,8%) эгаллади, кейинчалик пасайиш жараёнида ўткир риносинуситлар ва ларингитлар ҳам учради (20 нафар бола 6,4%; 10 нафар 3,2%). Амбулатор хариталарда ўткир респиратор вирусли инфекция, фарингит, ларингит, трахеит, ўткир бронхит (оддий ёки обструктив) сифатида белгиланган респиратор эпизодлар асоратланмаган ЎРИ сирасига киритилди. Асоратланган шакллар орасида 11 нафар беморга ўткир зотилжам ҳамда бронхопневмония ташхиси қўйилган. 9 нафар болада ЎРИ ўткир ўртача отитнинг ривожланиши билан бирга кечган(1-расм).

ЎРИнинг асоратланмаган шакллари орасида антибиотикли терапия 78,5% (болаларнинг 228 нафаридан 179 нафари) ҳолатда тайинланган. Асоратланган ҳолатларда антибиотикли терапия ЎРИ билан оғриган болаларнинг умумий миқдоридан 75% ҳолатда тайинланган. ЎРИни даволаш учун антибиотикларни танлашда врачлар цефалоспаринли препаратлар қаторини афзал кўришган (95,1%). Юқори нафас йўллари инфекцияларини амбулатор даволашда пенициллиннинг мукобили ҳисобланувчи макролидларни тайинлаш частотаси 80,2% ни ташкил этган.



1-расм. Нозологиялар бўйича болаларда ўткир респиратор инфекциялар структураси.

Поликлиника участкасида бронхитларда препаратларни қўллаш тактикаси ўрганилганда уларнинг қўлланиш частотаси юқорилиги аниқланди ва бу кўрсаткич 75% ни ташкил этди. Қўлланиладиган антибактериал препаратлар спектри турлича бўлса ҳам, уларни ўткир бронхитлар ва ўРИнинг асоратланмаган шаклларида асосланмаган ҳолда тайинлаш бирлаштириб туради. Соғлиқни сақлаш тизимидаги бирламчи бўғин шифокорлари орасида тана ҳароратининг сезиларсиз кўтарилиши, шамоллаш, шиллиқ каватларнинг яққол бўлмаган қизаришларида антибактериал препаратларни тайинлаш одат тусига кирган. Бундай ёндашув бактерияларнинг антибиотиксезувчан штаммларини камайтириш ва резистент шаклларининг тарқалишида муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, бактериал асоратлар ривожланишини бартараф эта олмаслиги ва асоратланмаган ўткир респиратор жараённинг кечишига деярли таъсир кўрсатмаганлиги сабабли тизимли антибиотиктерапия ўРИнинг вирусли этиологиясида самарасиз саналади. Бироқ рад этиб бўлмайдиган фактларга қарамасдан ушбу препаратлар педиатрия амалиётидан кенг миқёсда қўлланишда давом этмоқда.

Тадқиқотни амалга ошириш давомида олинган маълумотлар шуни кўрсатдики, шифокорлар ўРИнинг асоратланмаган шаклларида кутиш тактикаси ва динамик кузатувга етарлича риоя қилмайдилар.

Асосланган антибактериал терапияга амал қилиш мақсадида ўткир респиратор инфекцияларга амбулатория-поликлиника шароитида ҳар бир индивидуал ҳолатда, айниқса, кичик ёшдаги ва тез-тез касал бўлувчи болаларга тайинланадиган антибиотикларнинг қатъий ҳисобини юритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Етарлича асоссиз антибиотикни тайинлаш дорига чидамлилиқнинг тарқалишини юзага келтириб, ноҳўя таъсирлар хавфи ва болада микробиотнинг бузилиш хавфини оширади.

Кейинги босқичда эмлашга қадар амалий соғлом болалар боғчаларининг 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган боғча тарбияланувчилари ҳамда 3 ёшгача бўлган уюлмаган болаларда бурун-ҳалқум ташувчанлиги ўрганилди

ва текшириш натижасида микробли манзаранинг 23,6% (18/76) ҳолатида меъёрий микрофлора ўсиши қайд этилди.

Нопатоген флора тадқиқотга жалб этилган боғча болаларининг тўртдан бир қисмида (23,6%) аниқланди. Меъёрий флора, асосан, стафилококклар, яшиллашган стрептококклар, энтеробактерияларнинг турли хил кўринишлари билан ифодаланди (2-жадвал).

2-жадвал

Уюшган ва уюшмаган эмланмаган болаларда бурун-ҳалқум ташувчанлигининг микробли спектрлари

	Микрофлора	Уюшмаган болалар (n=34)		Болалар боғчаларидаги уюшган болалар (n=42)		Жами	
		Abs	%	abs	%	abs	%
1	<i>S.pneumoniae</i>	6	17,6	13	31*	19	25
2	<i>H influenzae</i>	3	8,8	9	21,4*	12	16
3	<i>M catarrhalis</i>	6	17,6	8	19,0	14	18,4
4	<i>S.aureus</i>	6	17,6	4	9,5*	10	13,1
5	<i>S.viridans</i>	1	2,9	7	16,7*	8	10,5
5	Турли	12	35,3	1	2,4*	13	17,1
7	Жами	34	100	42	100	76	100

Изох: * – уюшган ҳамда уюшмаган болалар орасидаги ишончилилик даражаси ($P < 0,05$).

Яъни потенциал нопатоген флоранинг ўсиши (биз уни нормофлора сифатида белгиладик) болалар боғчаларидаги болаларнинг тўртдан бир қисмида қайд этилди (23,6%). Нормал флора, асосан, стафилококклар, яшил стрептококклар ва шу кабилар билан ифодаланган. Бу микроорганизмларнинг учраш частотаси бўйича уюшмаган болалар (7/34) – 20,5% ва болалар боғчаларига катновчи уюшган болалар (11/42) – 23,6% орасида муҳим фарқ аниқланмади, шу билан бирга *S.aureus* уюшмаган болалар орасида уюшган болаларга нисбатан (17,6 ва 9,5%) кўпроқ аниқланди, *S.viridans* эса аксинча бўлди (2,9% ва 16,7%). Шартли-патоген флоранинг ўсиши тадқиқотга жалб этилган уюшган болалар жамоаларида 71% (30/42) уюшмаган болаларга нисбатан 44% (15/34) кўпроқ кузатилди. Умуман олганда, *S. Pneumoniae* ташувчанлиги улуши 25% ни ташкил этди, айти пайтда *H influenzae* ташувчанлиги – 16% ҳамда *M catarrhalis* ташувчанлиги – 18,4% болада қайд этилди.


Эмлашга қадар соғлом болаларни *S.pneumoniae*нинг антибактериал препаратларга сезувчанлигини диско-диффузион усули орқали аниқлаганимизда, 76 нафар эмлашдан олдин соғлом болаларда амоксициллин, цефазолин, азитромицин, цефепим, цефтриаксон, цефуросим, метронидазол сезувчанлик натижалар шунини кўрсатдики, метронидозолга резистентлик мавжудлиги аниқланди (3-жадвал).

2 ойликдан 9 ёшгача бўлган болаларда ўткир респиратор инфекцияларда (пастки нафас йўллари) *S. pneumoniae*нинг бурун-ҳалқум ташувчанлиги, антибиотикларга сезувчанлик бўйича олиб борилган тадқиқотларда қуйи нафас йўллари билан касалланиб касалхонада даволанаётган 96 нафар болада клиник-лаборатор текширишлар ўтказилди.

Эмлашдан олдин соғлом болаларда *S.pneumoniae* штамmlарининг
антибиотикларга сезувчанлигини аниқлаш натижалари, %

Антибактериал препаратлар	Сезувчан	Чидамли/Сезувчан	Резистент
Азитромицин	100		
Амоксициллин	100		
Цефазолин	100		
Цефепим	100		
Цефуросим	100		
Цефтираксон	100		
Метронидазол		10	90

Кўриқдан ўтказилган болаларда *S. Pneumoniae*нинг 31 штамми (32,2%) ажратилди. Тадқиқотдан олинган натижаларга асосланиб айтиш мумкинки, пневмококк болаларнинг пастки нафас йўллари касалликларида ҳам устунлик қилувчи патоген ҳисобланади (2-расм).



2-расм. Пастки нафас йўллари касалликлари билан касалланган болаларда микробли спектр.

Ёши жиҳатидан пастки нафас йўллари касаллаиклари билан касалланган 96 нафар бемор болада *S.pneumoniae*нинг 31 та ижобий ҳолати 1–3 ёшли ҳамда 41–0 ёшли болалар контингентиди кўп учраганлиги аниқланди. Бу эса кичик ва катта ёшли болаларда учраш частотаси юқорилигидан далолат беради (4-жадвал).

Шунингдек, ажратилган штамmlарнинг Тошкент шаҳридаги стационарларда фойдаланилувчи антибиотикка сезувчанлиги аниқланди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики,– 12,9% (4 нафар) беморда азитромицинга заиф сезувчанлик, шунингдек, метронидазолга 90% ҳолатда сезувчанликнинг мавжуд эмаслиги кузатилди.

Ёш бўйича пастки нафас йўллари касалликлари билан касалланган болаларда *S.pneumoniae* нинг учраш частотаси

Ёши	Ижобий ҳолатлар сони	%
1 ёшгача бўлган болалар	6	13,6
1 ёшдан 3 ёшгача	17	40,4%
4 дан 10 ёшгача	8	80%
Жами	31	32,2%

Қайд этиш жоизки, пневмококкнинг инъекцион цефалоспоринларга юқори сезувчанлик сақланиб қолган, бироқ болалардаги шифохонадан ташқари зотилжамда цефалоспоринлардан кенг фойдаланиш тавсия этилмайди. Кўзғатувчиларнинг антибиотиксезувчанлигини сақлаб қолиш учун шифохонадан ташқари зотилжамда улардан фойдаланишни чегаралаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Текширувлардан олинган натижалар пневмококкнинг макролидлар ва метронидазолга антибиотикорезистентлиги ортиб бориш тенденцияси мавжудлигини кўрсатди (5-жадвал).

5-жадвал


***S.pneumoniae* штаммларининг антибиотикка сезувчанлигини аниқлаш натижалари (%)**

Антибиотиклар	Сезувчан	Чидамли/Барқарор/Сезувчан	Резистент
Азитромицин	87,1	-	12,9
Амоксициллин	100	-	-
Цефазолин	100	-	-
Цефепим	100	-	-
Цефуроксим	100	-	-
Метронидазол	-	-	100

Шундай қилиб, бизнинг маълумотларимиз яна бир бор пневмококк штаммларини антибиотикларга чидамлилиги мониторингини доимий равишда ўтказиб бориш зарурлигини кўрсатмоқда.

Зотилжам билан оғриган болалар сийдигида пневмококкли антигенни аниқлаш мақсадида ўтказилган тест ёрдамида сийдикда *S.pneumoniae*нинг эрувчан антигени аниқланди. Ушбу тестдан фойдаланиб кўриқдан ўтказилганда 52 нафар боладан 35 нафари (67,5%)да *S. pneumoniae* идентификацияланди. Биз, табиийки, ушбу ҳолатда *Streptococcus pneumoniae* зотилжам ривожланишининг этиологик омили бўлганлигини тасдиқлай олмаймиз, бироқ ушбу тестдан микробиологик, иммуногенетик, серологик ва бошқа тестлар билан комплекс тарзда катталарда фойдаланиш мумкин. Ижобий натижа олинган тақдирда антибактериал терапияни оптималлаштириш мумкин бўлади, бу касалликнинг клиник натижаларини яхшилашга олиб келади. Ушбу тест анъанавий микробиологик тадқиқотларни самарали равишда тўлдирди.

91 нафар болада ўткир йирингли ўртача отит ривожланишида *Streptococcus pneumoniae*нинг ролини аниқлаш бўйича олиб борилган текширувлар натижалари ҳам *Streptococcus pneumoniae* энг кўп учровчи бактериал патоген ҳисобланишини кўрсатди (31,9%) (3-расм).



3-расм. Кузатувдаги болаларда ЎЎО кўзгатувчиларининг аниқланиш частотаси ва спектри (n=91).

Касал бўлишдан 30 кун аввал 28 нафар (30,8%) бемор антибактериал терапия (амоксциллин, цефуроксим, цефиксим, цефазолин, цефотаксим, цефтриаксон, азитромицин, кларитромицин) қабул қилган. Отитнинг асоратли кечиши 2 нафар (2,2%) болада кузатилди. Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида ЎЎО кўзгатувчиларининг антибиотикларга сезувчанлигини аниқлаш бўйича олинган маълумотларга кўра *S.pneumoniae*да цефазолин, перфлоксацин, цефуроксим препаратларига юқори сезувчанлик сақланиб қолиши аниқланди (6-жадвал).

6-жадвал

***S.pneumoniae* штамmlарининг антибиотикларга сезувчанлигини аниқлаш натижалари, % (отит)**


Антибиотик	Сезувчан	Чидамли/Барқарор/Сезувчан	Резистент
Азитромицин	–	62,5	37,5
Амоксициллин/	100	–	–
Цефазолин	100	–	–
Пефлоксацин	100	–	–
Цефуроксим	100	–	–

Кулоқ окмасидан ажратиб олинган штамmlарнинг антибактериал сезувчанлиги баҳоланганида *S.pneumoniae*нинг макролидлар (азитромицин)га сезувчанлиги пастлиги ҳамда резистент штамmlар мавжудлиги кайд этилди.

Диссертациянинг “Болаларда вакцинопрофилактикадан кейин *S.pneumoniae*нинг бурун-халқум ташувчанлиги частотаси” деб номланган тўртинчи бобда эмлаш жорий этилганидан кейин соғлом болаларни *S.pneumoniae*нинг назофарингеал ташувчанлигига текшириш натижалари ёритилган.

Маълумки, пневмококкли вакцина эмлашларнинг миллий таквимига 2015 йилнинг ноябр ойида киритилган. *S. Pneumoniae*нинг серотипли манзарасини баҳолаш мақсадида эмлаш жорий этилганидан кейин биз

томонимиздан 5 ёшдан кичик бўлган 77 нафар соғлом эмланган болаларда бурун-ҳалқум ташувчанлигининг микробли спектри тадқиқ этилди. Соғлом болаларда микробли спектр тадқиқи эмлашдан кейин йил ўтгач бажарилди. Текшириш натижаларига кўра 77 нафар боладан 12 нафарида *S. Pneumoniae* аниқланди ва бу 15,6% ни ташкил этди (4-расм).



4-расм. Соғлом эмланган болаларнинг бурун-ҳалқум суртмаларидан ажратилган штаммлар таркиби.

Биз фақат энг муҳим респиратор патогенларни ажратдик. Бу пневмококка қарши эмланган уюшмаган, яъни болалар боғчаларига катнамайдиган болалар гуруҳи бўлди.

Эмлашдан олдин ҳамда эмлашдан кейинги болалардаги бурун-ҳалқум ташувчанлигининг микробли спектри солиштирилганида, респиратор патоген бўлган *H influenzae*, *S. pneumoniae* ва *M catarrhalis*ларнинг учраш частотаси уюшмаган болаларда уюшган болаларга нисбатан пастлиги аниқланди. Шунингдек, шартли патоген микроорганизмлар эмланмаган болалар орасида икки баробар кўплиги аниқланди ва 42% (15/34) эмланганларга нисбатан 22% (17/77)ни ташкил этди (7-жадвал).

7-жадвал

Эмлашдан олдин ҳамда эмлашдан кейинги болалардаги бурун-ҳалқум ташувчанлигининг микробли спектри


Микрофлора	Эмлашдан олдин микроорганизмларнинг учраш частотаси		Эмлашдан кейин микроорганизмларнинг учраш частотаси		P
	Абс.	%	Абс.	%	
<i>S. pneumoniae</i>	19	25	12	15,6	>0,05
<i>H influenzae</i>	12	16	3	3,9	<0,05
<i>M catarrhalis</i>	14	18,4	2	2,6	<0,05
<i>S. aureus</i>	10	13,1	9	11,7	>0,05
<i>S. viridans</i>	8	10,5	34	44	>0,05
Турли	13	17,1	17	22	>0,05
Жами	76	100	77	100	

Эмланмаган ҳамда эмланган болалар орасида микробли спектр солиштирилганида пневмококк вакцинаси билан эмлаш натижасида нафақат *S. pneumoniae*нинг бурун-ҳалқум ташувчанлиги, балки шу билан бирга бошқа

шартли патоген микроорганизмларнинг ҳам камайиши қайд этилди.

Топилган штаммларни серотиплаштириш учун 6A/B/C/D, 9A/V, 23F, 19F, 18A/B/C/F, 15A/F праймерлардан фойдаланилди (Санкт-Петербург, РФ).

Шу 12 та ажратилган намуналардан 5 тасида фақат 6A/B/C/D серотипи аниқланди, қолган серотиплар топилмади. Кўриқдан ўтказилган болаларда пневмококкнинг ажратилган 6A/B/C/D серотипи ПКВ-13 таркибига киради (5-расм).



5-расм. Соғлом эмланган болаларда пневмококк серотиплари.

Ўзбекистон Республикасида эмлаш киритилишидан олдин ўткир зотилжам билан касалланган беморларнинг нафас олиш йўлларида ажратилган пневмококкларнинг серотиплари 1, 3, 5, 6A, 14, 19 серотиплар билан намоён бўлган (Т.А.Даминов, Л.Н.Туйчиев, Н.У.Таджиева, 2016), хорижий тадқиқотлардан олинган маълумотларга кўра эса 19, 23, 1, 5, 6B ва 3 серотиплар зотилжам билан оғриган беморлардан энг кўп ажратилувчи серотиплар бўлиб ҳисобланган. Эмлашдан кейин кенг тарқалган пневмококк серотипларининг йўқолиши эмлашларнинг юқори самарадорлигидан далолат беради.

Шунингдек, *S. pneumoniae* нинг 77 та штамми антибиотикларга сезувчанлик бўйича тестдан ўтказилди. Текширилган антибиотиклар панелига аминопенициллинлар (ампициллин, пенициллин), амоксициллин, азитромицин, ифампицин, фторхинолонлар (ципрофлоксацин), III авлод цефалоспоринли антибиотик (цефатоксим), хлорамфеникол киритилди (8-жадвал).

8-жадвал

Эмлашдан кейин *S.pneumoniae* штаммларининг антибиотикларга сезувчанлигини аниқлаш натижалари, %

Антибиотик	Сезувчан (%)	Резистент (%)
Пенициллин	80	20
Амоксициллин	100	
Азитромицин	70	30
Рифампицин	100	
Ампициллин	52	48
ципрофлоксацин	100	
Цефатоксим	100	
хлорамфеникол	100	

Натижалар шуни кўрсатдики, *S. pneumoniae* рифампицин, ципрофлоксацин, цефатоксим ва хлорамфениколга сезувчанликни сақлаб қолган. Ампициллин, пенициллин ва азитромицинга нисбатан эса резистентлик аниқланган. Штаммларнинг ампицилинга резистентлиги тўғрисида биз томонимиздан олинган маълумотлар олдинги йилларда тарқалган ЎРКда ампицилиндан кўп фойдаланганлик билан боғлиқлигидан далолат беради. Шундай қилиб, ушбу тадқиқотдан олинган натижалар эмперик антибактериал терапияни яхшилашда антибиотикларга чидамли пневмококк штамларини доимий равишда назорат қилиш ва уларнинг сезгирлигини ўрганиш зарурлигини кўрсатади.


Пневмококкли инфекцияларга қарши эмлаш самарадорлигини баҳолаш мақсадида болаларни эмлаш ҳамда уларнинг пневмококкли инфекциялар инвазив ва ноинвазив шакллари билан касалланишлари ўртасидаги сабаб-оқибат боғлиқлигини ўрганиш учун Тошкент шаҳридаги 7-оилавий поликлиника ҳамда ТошПТИ клиникасида болаларнинг амбулатор хариталари (Ф–112 боланинг ривожланиш тарихи) ва касаллик тарихидан фойдаланилган ҳолда статистик маълумотлар таҳлили ўтказилди. 5 ёшгача бўлган болаларда респиратор касалликлар билан касалланишнинг 2016–2019 йилларда Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 7-оилавий поликлиника бўйича эмлаш самарадорлигининг 3 йиллик кузатилиши натижалари шуни кўрсатадики, 2017 йилда респиратор инфекциялар билан касалланган 5 ёшгача бўлган болаларнинг абсолют сони 4097 ҳолатни ташкил этган бўлса, эмлаш жорий этилгандан кейин 2 йил ўтгач, респиратор инфекциялар билан касалланган 5 ёшгача бўлган болаларнинг умумий сони 2711 ҳолатгача камайган, яъни эмлаш туфайли хизмат кўрсатилаётган аҳоли орасида респиратор касалликлар камайганлиги аниқланди (9-жадвал). Эмланганлик қамрови баҳолаш шуни кўрсатдики, 2016 йилда пневмококкнинг 13 валентли вакцинаси билан эмлаш қамрови 96–97% ни ташкил этган бўлса, 2017–2019 йилда ушбу кўрсаткич 98–100% бўлди ва бу вакцинация билан яхши қамраб олинганликни намоён этиди. Бунга тана ҳароратининг унча юқори бўлмаган кўтарилиши, яққол бўлмаган маҳаллий реакциялар кўринишидаги минимал ножўя реакциялар таъсир кўрсатди.

9-жадвал

Тошкент шаҳар 7-оилавий поликлиника бўйича 5 ёшгача бўлган болаларда респиратор инфекциялар билан касалланиш кўрсаткичи

Йил	Респиратор инфекциялар билан касалланган болалар сони	Касалланишнинг камайиши, %
2016	4189	
2017	4097	15–20
2018	3391	25–30
2019	2711	40–45

2016 йилдан 2019 йилгача бўлган 4 йиллик кузатишлар давомида поствакцинал асоратли ҳолатлар кузатилмади. Инъекция ўрнида камдан-кам ҳолатларда ножўя таъсирлар (гиперемия, оғриқ, тўқиманинг унча катта бўлмаган қалинлашиши) қайд этилди.



5-расм. Респиратор инфекциялар билан ТошПТИ клиникасига госпитализация қилинган 5 ёшгача бўлган болалар сони.

Пневмококкли инфекцияларга қарши эмлаш респиратор инфекциялар билан болаларнинг госпитализация қилиниш частотасига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. 2017–2019 йилларда ТошПТИ клиникасига госпитализация қилинганлик ҳақидаги маълумотлар респиратор касалликлар билан оғриган беморлар сонининг камайганлигини кўрсатди. Агар 2015 йилда ТошПТИ клиникасида 5 ёшгача бўлган болалар касалланишининг умумий сони 2068 нафар бўлган бўлса, унда ушбу ҳолат 2016 йилда – 2013, 2017 йилда – 1815, 2018 йилда – 1682, 2019 йилда – 1538 нафарни ташкил этди (5-расм).

Шундай қилиб, пневмококкли инфекцияга қарши режали вакцинапрофилактика жорий этилганидан буён ўтган вақт мобайнида эмлашлар билан қамраб олишнинг юқори даражасига эришилди (98%). Гарчи болаларнинг кўпчилиги эмлашларни ўз вақтида олмаган бўлса ҳам, 98–100% болалар 16–18 ойликкача эмланди.

Пневмококкли инфекцияларга қарши режали эмлашнинг жорий этилиши госпитализацияларни 25% га камайтириш, шунингдек, ўткир респиратор инфекциялар билан касалланишлар сонини қисқартиришга ижобий таъсир кўрсатди.

ХУЛОСА

1. Эмлашга қадар 6 ёшгача бўлган уюшмаган соғлом болалар орасида *S.pneumoniae*нинг бурун-халқум ташувчанлиги частотаси 17,6%, уюшган болаларда эса 31% ни ташкил этди.

2. Пневмококк инфекциясига қарши эмлаш натижасида пневмококк ташувчанлигини 15,6% ҳамда респиратор инфекциялар билан умумий касалланишни 40–45% га камайтиришга эришилди.

3. Пневмококк инфекциясига қарши эмлаш эмлашдан олдин мавжуд бўлган 1, 3, 5, 14, 19 серотипларининг йўқолишига олиб келди, бу эса 13-валентли Превенар вакцинасининг юқори самарадорлигидан далолат беради.

4. Кичик ёшдаги болаларда ўткир ўрта отитнинг этиологик структураси таркибида ўрта кулоқ оқмаси микробиологик таҳлил қилинганда *S.pneumoniae*нинг устунлик қилиши (31,9%), учраш частотаси бўйича иккинчи ўринда *S. Pyogenes* туриши (11%), камдан-кам ҳолатларда *H. influenzae* (4,4%) ва *M.catarrhalis* (1,1%) кузатилиши аниқланди.

5. Ўткир респиратор касалликлар билан оғриган болаларда стационар шароитларда ҳам, амбулатор шароитларда ҳам цефалоспоринлар каторидаги антибиотикларни қўллаш билан антибактериал воситаларнинг нораціонал тайинланиши аниқланди.

6. 2015–2019 йиллар давомида циркуляциядаги *S.pneumoniae* штаммларининг макролид антибиотиклар (азитромицин)га сезгирлиги 30% гача пасайганлиги қайд этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 04/30.12.2019.Tib. 29.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ПЕДИАТРИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ПЕДИАТРИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

МАХКАМОВА ГУЛНОЗА ТУРАХОДЖАЕВНА

**РОЛЬ STREPTOCOCCUS PNEUMONIAE В ЭТИОЛОГИИ
РЕСПИРАТОРНЫХ ЗАБОЛЕВАНИЙ У ДЕТЕЙ, ЭФФЕКТИВНОСТЬ
ВАКЦИНОПРОФИЛАКТИКИ**

14.00.09 – Педиатрия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.2.PhD/Tib243

Диссертация выполнена в Ташкентском Педиатрическом Институте.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.tashpmi.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net

Научный руководитель: Шамансурова Элмира Амануллаевна
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: Алиев Ахмаджон Лутфуллаевич
доктор медицинских наук, доцент

Бобомуратов Турдикул Акрамович
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация: Центр повышения квалификации медицинских кадров

Защита диссертации состоится «10» ноября 2020 г. в 13 часов на заседании Научного совета 04/DSc.30.12.2019.Tib.29.01 при Ташкентском педиатрическом медицинском институте. (Адрес: 100140, г. Ташкент, Юнусабадский район, ул. Богишамол, дом 223. Тел./факс: (+998) 71-262-33-14, e-mail: mail@tashpmi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского педиатрического медицинского института (зарегистрирована за № _____). Адрес: 100140, г. Ташкент, Юнусабадский район, ул. Богишамол, дом 223. Тел./факс: (+998) 71-262-33-14.

Автореферат диссертации разослан «17» ноября 2020 года.

(реестр протокола рассылки № _____ от _____ 2020 года).



А.В. Алимов
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.м.н., профессор

К.Н. Хаитов
Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, д.м.н., профессор

Д.И. Ахмедова
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Проблема диагностики и лечения пневмококковых заболеваний продолжает оставаться одной из наиболее актуальных в современном здравоохранении. Самым эффективным и экономически выгодным методом профилактики пневмококковой инфекции является вакцинация. По данным ВОЗ «...вакцинация – единственный способ существенно повлиять на заболеваемость пневмококковой инфекцией»⁴. Следовательно, необходимы разработка и внедрение мероприятий для профилактики этих болезней у детей. Согласно позиции ВОЗ, «...во многих странах рутинное применение пневмококковых конъюгированных вакцин резко сократило число случаев серьезных заболеваний, вызванных этим микроорганизмом», в том числе пневмонией»⁵. Учитывая серотиповое разнообразие пневмококка особо важным представляется изучение циркулирующих патогенных штаммов *Streptococcus pneumoniae*. Для оценки эффективности вакцинации наибольшего внимания заслуживает изучение влияния вакцинации против *Streptococcus pneumoniae* на частоту респираторных заболеваний у детей, а также серотиповый спектр пневмококка у детей раннего возраста.

В мировой практике особое внимание уделяется исследованием по изучению современного серотипового пейзажа пневмококков. Массовая вакцинация пневмококковыми вакцинами в течение нескольких лет резко снизило частоту инвазивных пневмококковых инфекций, ассоциированных с вакцинными штаммами пневмококка. Однако спектр циркулирующих серотипов *Streptococcus pneumoniae* может варьировать в разных странах, поэтому требуются региональные данные о наиболее актуальных серотипах пневмококка для создания новых вакцин и изучения их эпидемиологической эффективности. В связи с этим изучение серотипового пейзажа после внедрения вакцины, а также оценка влияния вакцинации на заболеваемость является чрезвычайно актуальным.

В нашей стране особое внимание уделяется охране здоровья матери и ребенка, в частности ранней диагностике, профилактике и снижению частоты осложнений заболеваний у детей. В комплексе мер по коренному усовершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан указаны «...проведение фундаментальных и прикладных научных исследований по актуальным вопросам инфекционных заболеваний, эпидемиологии, вирусологии, микробиологии, внедрение в деятельность учреждений инфекционной службы инновационных технологий»⁶. В этом направлении поднятие качества медицинских услуг на новый уровень, в том числе укрепление здоровья детей, особенно разработка инновационных методов ранней диагностики приобретает важное значение.

⁴ Документы с изложением позиции ВОЗ в отношении вакцин

⁵ Пневмококковые конъюгированные вакцины для младенцев и детей в возрасте до 5 лет: документ по позиции ВОЗ, февраль 2019 года // https://www.who.int/immunizationPP_pneumococcal_2019_RU.

